

## Индонезиялик қори Туркиянинг VII халқаро Қуръон мусобақаси ғолиби бўлди



11:00 / 28.05.2019 2186

Туркияда бўлиб ўтган VII халқаро Қуръон мусобақасида 68 давлатдан 128 та ҳофизи Каломуллоҳлар иштирок этди. Бу ҳақда IQNA хабар беради. Мусобақа якунига кўра мутлақ ғолиб, Индонезиялик қорига насиб этди.

Истанбулда бўлиб ўтган халқаро Қуръон мусобақаси ҳайъати аъзоларидан Ироқлик қори Али Абду Саттор ал-Хафожийнинг айтишича, иккинчи ўринни Туркия, учинчи ўринни Ливия ва тўртинчи ўринни Ироқлик ҳофизлар эгаллаган. Эслатиб ўтамиз, Туркиянинг VII халқаро Қуръон мусобақаси ғолибларини тақдирлаш маросимида Туркия Президенти Ражаб Тоййиб Эрдуғон ташриф буюрди. Тадбир Туркиянинг энг катта масжиди «Жамлича» жоме масжидида ташкил этилиб, унда Диёнат ишлари раҳбари Али Эрбош нутқ сўзлади.

Image not found or type unknown

